

Пок кавушда намоз ўқиш жоизми? | Ҳадис дарслари (299-дарс)

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

299-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 19 сентябрь 442

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضُرُّ سَنَ أَلَيْسَ
هُلْ لَّا يَلَّصُ يَبْنَلَا نَأَكَّأ
يَفْ يَلَّصُ يَمَلَّسَ وَهَيْلَع
هُأَوْرُ مَعَنْ لَأَقِ هَيْلَعَنْ
دُوَادَ أَبَا أَلْإِةَ سَمَّخَلَا

Анас розияллоҳу анҳудан:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кавушлари билан намоз ўқирмидилар?» деб сўралди.

«Ҳа», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бундан пок оёқ кийимини ечмай ҳам намоз ўқиш жоизлиги келиб чиқади.

Намозда калом ва ишни тарк қилиш

هَلَلَا يَضَرَّ مَقْرَأُ نُبِ دِي زَنْع
ي فُ مَلَكَتَنْ أَنْ كَ : لَاقُ هَنْع
لُجْرَلَا مَلَكِيَّةَ الصَّلَا
ي فِ هِبُنَجِ يَلِإِ وُهَوُ هَبِحِ اص
پ پ - تَلَزَن يَّتَحِ هَالَّصَلَا
أَنِي هُنَوِ تَوُكُّسِ لِأَبِ أَنْ رَمُؤْف -
هَسْمَخَلَا هَأَوْرِ مَالَكُلَا نَع

Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Намозда гаплашар эдик. Бир одам намозда ёнида турган шеригига гапираверар эди. Ниҳоят, «Аллоҳ учун тоат ила жим туринглар» ояти тушгач, сукут сақлашга амр қилиндик, гапдан наҳй қилиндик».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Намоз янги фарз бўлиб, одамлар унга ҳали унча ўрганмаган пайтда баъзи гапларни гапиришга рухсат бор эди. Ўша пайтда бу ривоятда зикр қилинганидек, намозда туриб, гапириш ҳоллари бўлган.

Кейин эса Аллоҳ таоло мазкур оятни нозил қилиб, намозда гапиришни ман этди. Шунинг учун ким намозда гапириб юборса, намози бузилади.

هُنَّ عُهُلٌ لِّاِيضَرِّهِلِّلَاِذْبَعُ نَع
يَلَعُ مِّلَسُنْ أَنْكَ : لَأَق
هُيَلَعُ هِلِّلَاِ يَلَصَّيْبُّنَلَا
ةَالَّصَلَايِفَ وَهَوَ مِّلَسَو
أَنْعَجَرُ أَمَلَفَ ، أَنْيَلَعُ دُرَيَف
أَنْ مِّلَسَّيْ شَأْجَنْلَا دَنْعُ نَم
، أَنْيَلَعُ دُرَيُ مَلَفَ هَيْلَع
أَنْكَ ، هِلِّلَا لُؤْسَرَاي : أَنْ لُقَف
أَنْيَلَعُ دُرَتَفَ كَيْلَعُ مِّلَسُنْ
ةَالَّصَلَايِفُ نَا : لَأَقَف
، نَأْخِي شَلَا هَاوَر . أَلْغُش
نَا : دَمَحْ أَوَ دُوَادِ يَبَّأَوِ مِّلَسُ مَلَو

أَهِيَ فُحُصِّي أَلَّةَ الصَّلَاةِ هَذِهِ
أَمَّنْ إِنِّي سَأَلْتُكَ نَمُّنْ عِيَشِ
رَبِّكَ تَلَاوُحِي بِسَّتْ لَأُوهُ
لَأَقِ أَمَّكَ وَأَنْ أَرْقُلْ أَعَارِقُو
مَلَسَ وَهِيَ لَعُهُ لَلَّيَّ لَص

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга намоз ўқиб турганларида салом берар эдик, у зот бизларга жавоб қайтарар эдилар. Нажошийнинг ҳузуридан қайтганимиздан сўнг салом берсак, жавоб қайтармадилар. Шунда биз:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга салом берсак, жавоб қайтарар эдингиз?» дедик.

У зот:

«Албатта, намозда машғуллик бор», дедилар».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмадлар келтирган ривоятда:

«Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир», дедилар», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятдан намозда баъзи гапларни гапириш Исломнинг дастлабки пайтларида бўлганлигини очиқ-ойдин билиб оламиз. Чунки ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг: **«Нажошийнинг ҳузуридан қайтганимиздан сўнг»** дейишларидан улар Ҳабашистонга ҳижрат қилгунларига қадар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз

Ўқиётганларида у зотга салом бериб юрганлар. Ҳабашистонга ҳижрат эса Мадинага ҳижратдан анча олдин бўлган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганларидан кейин Жаъфар ибн Абу Толиб бошлиқ муҳожирлар Ҳабашистондан тўғри Мадинаи Мунавварага қайтиб келганлар.

Мана шу ривоятдан намозда тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан бўлак сўз қўшиш, гап гапириш, ҳатто саломга алик олиш ҳам мумкин эмаслиги маълум бўлмоқда.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ بِقِيَعُمُ نَع
هُلَلَا يَلَّصُّ بِنَلَا رَكَذَ لَاق
يَفَخَسَمَلَا مَلَسَوِ هَيْلَع
لَاقِ يَصَخَلَا يَنْعِي دِجَسَمَلَا
أَلْعَافُ دُبَّ أَلْتُنُكُنَا
هُسَمَخَلَا هَاوَرَةً دِحَاوَف
مَاقِ إِذَا: نَنْسَلَا بِأَخْصَالَو
نِإْفِةَالَّصَلَا يَلِإِ مُكُدَحَأ
خَسَمِي أَلْفُ هُجَاوَتَ هَمَخَّرَلَا
يَصَخَلَا

Муъайқийб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиддаги майда тошларни суришни зикр қилиб:

«Агар қилмасанг, бўлмайдиган бўлса, бир марта қил», дедилар».

«Сунан» эгалари келтирган ривоятда:

«Қачон бирортангиз намозга турса, албатта, раҳмат унга юзма-юз туради, майда тошларни сурмасин», деганлар».

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Муъайқийб розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Муъайқийб ибн Абу Фотима ад-Давсий ал-Аздий. Абдушшамс қабиласи бошлиғи бўлганлар. Биринчилардан бўлиб Маккада Исломга кирганлар. Ҳабашистон ва Мадина муҳожирларидан бўлганлар. Бадр ғазоти, Ризвон байъати ва бундан кейинги жанглarda иштирок этганлар.

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узукларига мушарраф бўлганлар. Мазкур узук Усмон ибн Аффоннинг халифалик даврларида «Арийс» қудуғига тушиб кетган ва қайтиб топилмаган.

Муъайқийб розияллоҳу анҳу Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳуларнинг халифалик даврларида хазиначи бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳаммаси бўлиб, 7та ҳадис ривоят қилдилар. Бу зотдан Абу Салама, Абдуррахмон ибн Авф, ўғиллари Муҳаммад ва Ҳорис, неваралари Иёс ибн Ҳорислар ривоят қилдилар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Муъайқийб розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 40-санасида, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида вафот этдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида масжидлар ҳам ердан иборат эди. Шунинг учун сажда қилган одамнинг пешонаси майда тошларга тегиши оддий ҳол эди. Бу ҳақда саҳобаларнинг фатво сўрашлари ҳам ғариб нарса эмас. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда:

«Агар қилмасанг, бўлмайдиган бўлса, бир марта қил», дедилар.

Яъни, майда тошни суриб ташлашдан бўлак илож бўлмаса, бир марта суриб ташлаш мумкин. Аммо уни сурмай, намозни давом эттириш мумкин бўлса, сурмаган маъқул.

Уламоларимиз бу ҳадисни ҳужжат қилиб, «Иложсиз қолганда тош суришдан бошқа ишларни ҳам қилиш мумкин», дейдилар. Фақат ўша ишни бажариш учун қилинадиган ҳаракат майда тошларни суришдаги ҳаракатдан кўп бўлмаслиги керак. Қачонки ўша ишни қилмаса, намозига футур етишига кўзи етса, шундагина қилса бўлади.

Аслида эса намозда бошқа ҳеч нарсага чалғиб бўлмайди. Чунки намоз ўқиётган одам Аллоҳ таолонинг ҳузурида, Унинг раҳмати ила юзма-юз турган бўлади. Мўмин одам учун Аллоҳ таолонинг ҳузурида туриб, бошқа нарсаларга эътибор бериши, Аллоҳнинг раҳматидан бошқа томонга юзланиши яхши эмас.

Уламоларимиз барча далилларни ўрганиб чиқиб, намознинг тўғри бўлиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак, деган хулосага келганлар:

1. Ислом;

Мусулмон бўлмаган одамнинг ўқиган намози қабул бўлмайди.

2. «Оқу қора»ни ажрата билиш;

Яъни, ёш бола балоғатга етмаган бўлса ҳам, нарсаларнинг фарқига етадиган ёшда бўлиб, намоз ўқиса, намози қабул бўлади.

3. Ақл;

Ақлсиз одамнинг намози дуруст бўлмайди.

4. Вақтнинг кириши;

Ўз вақтидан аввал ўқилган намоз қабул бўлмайди.

5. Катта ва кичик бетаҳоратликдан пок бўлиш;

Яъни, ғусл ва таҳоратни вожиб қиладиган нарсалардан холи ҳамда таҳоратли бўлиш.

6. Кийим, бадан ва маконнинг нажосатдан пок бўлиши;

7. Авратни беркитиш;

8. Қиблага юзланиш;
9. Ният;
10. Намозни адо қилиш тартибига риоя қилиш;
11. Намоз амалларини кетма-кет адо қилиш;
12. Намознинг жинсидан бўлмаган каломни тарк қилиш;
13. Намознинг жинсидан бўлмаган кўп амални тарк қилиш;
14. Емоқ-ичмоқни тарк қилиш.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.